

*Исмоилова Озодабону Отабек қизи**Урганч Ранч технология университети**Лингвистика (инглиз тили) 1-курс магистри***ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА КИЧИК ЖАНР МАТНЛАРИНИНГ
ЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚИ**

Аннотация: Ушбу мақолада инглиз ва ўзбек тиллари кичик матн жанрларининг лингвистик тадқиқотларнинг мураккаб объектлардан бири сифатида ўз таркибий элементлари, сатҳи ва кўп поғонали шаклланишга эгаллиги ҳамда матннинг функционал, амалий ва лисоний мажмуавий тасвири ҳамда тавсифи инсон турмуш тарзини, унинг ижтимоий фаолиятини акс эттириши тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: матн, кичик жанр, латифа, сўз ўйини, прагматика, лингвистик тадқиқ, дискурс, тавсифлаш, таснифлаш.

Кириш. Дунё тилшунослигида инсонларнинг нутқий мулоқот фаолияти жараёнида юзага келадиган матнларни тавсифлаш ва таснифлаш масаласи тадқиқига катта эътибор қаратилмоқда [1]. Дискурсив фаолият турли ижтимоий гуруҳлар доирасида, ҳар хил вазиятларда кечади ҳамда уларда кўзланадиган мақсад ҳам бир хил эмас. Шунга мувофиқ, ҳосил бўладиган матнлар кўриниш ва мундарижа жиҳатидан ўзаро фарқ қилади [3]. Кичик ҳажмдаги нутқий тузилма бўлган латифа жанрига оид матнлар бошқа коммуникатив структураларга нисбатан тузилиши, прагматик мақсади ва когнитив таркиб жиҳатидан ўзига хос кўринишга эга. Ушбу турдаги матнларнинг лисоний мақоми ва вазифавий-коммуникатив моҳиятини замонавий методологик тамойил ҳамда мезонлар асосида очиқ бериш муҳим илмий аҳамият касб этади [7].

Адабиётлар шарҳи. Матн прагмалингвистика, когнитив тилшунослик, семиотика, психоллингвистика, лингвوماданият каби бир қанча соҳалар билан узвий боғлиқликка эга. Хусусан, прагмалингвистикада матннинг муаллиф ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро таъсир доирасини тадқиқ этишга эътибор қаратилган бўлиб, И.Р.Гальперин, Т.А.ван Дейк, Г.В.Колшанский, Л.А.Киселева, Э.С.Лотман, И.П.Сусов, Н.С.Болотнова, З.Я.Тураева, Р.А.Боугранд, М.Халлидей, Ш.Сафаров, М.Ҳақимов, Д.Ашурова ва бошқаларнинг ишларида ўз аксини топган [2].

Муҳокама ва натижалар. Матнни коммуникатив ҳодиса сифатида талқин этган тилшунослардан бири Р.А.Боугранд бўлиб, у текстуаллик мезонларига жавоб берадиган когезия (cohesion–боғлиқлик), когерентлик (coherence–мослашганлик, кетма-кетлик), интенционаллик, информативлик, идрок этиш, вазиятга оид ва интертекстуаллик кабиларга бош мезон сифатида қарайди. Унинг назарий қарашларига кўра келтириб ўтилган кўрсаткичлар мавжуд бўлгандагина тил бирликларининг ўзаро муносабатга киришган кетма-кетлиги матндир.

Матнлар соҳага кўра турли-туманлиги сабаб ва функционал услубдаги фарқларига кўра ҳар хил жанр доирасида таҳлилга тортилади. Матнда боғлиқлик ва умумийлик каби иккита асосий белги мавжуд бўлиб, улар бир-биридан ажралмас ҳамда ўзаро муносабатда амал қилади. Матнга оид тадқиқотларда эпик жанрлар иккига ажратилиб ўрганилади: катта (роман, эпопея) ва кичик (қисқа ҳикоя, латифа, эссе, фелъетон) жанрларидаги асарлар.

Кичик жанрга оид матннинг кўпчилиги комик мазмунга эга бўлиб, «улар ҳар хил муболағалар, ёлғон-яшириқлар, хаёлий тўқималар кўринишини олади». Латифага оид матнларнинг тадқиқи латифаларнинг онтологик моҳиятини ташкил этадиган ўзига хос тил бирликлари асосланади[5]. Латифа, ўз навбатида, эстетик категория сифатида маълум дунёқарашни акс эттирадиган, эмоционал муносабатларни ифодаловчи, инсон характери кулги ёрдамида ёритадиган, жамият учун салбий саналган ижтимоий ҳодисаларни танқид остига оладиган комик шаклларнинг бир тури ҳисобланади. Латифалардаги кулгили муносабатлар маданият доирасида, кулги объекти билан маълум масофани сақлаган ҳолда, керакли даражада ижобий вазиятни сақлаш орқали амалга оширилади. Мазкур хусусиятлар латифа мазмунининг ўзига хослигини, қўлланиладиган тил бирликларининг лисоний намоишини белгилайди.

Латифа кичик жанр тури сифатида бадиий ҳамда адабий жанрлар кесимида юзага келган бўлиб, у кўпроқ оғзаки нутқда амал қилади. Шунинг учун ҳам латифаларнинг ифодаланиши бадиий эстетик мулоқот шароитида когнитив, стилистик, семантик қайта шаклланишга учрайди.

Коммуникатив категория мулоқот учун муҳим бўлган қонун-қоидалар, ментал стереотиплар, мулоҳаза юрита олиш системасини ўзида мужассам этади. Баъзи коммуникатив категориялар мулоқот хусусида инсонда умумий тасаввурларни ўйғотса, бошқалари нутқга алоқадор бўлган тушунчаларнинг шаклланиши учун хизмат қилади. Кичик жанрдаги комиклик айнан мазкур мулоқот категориялари тўлиқ амалга оширилгандагина самарали кўчиши мумкин, яъни сўзловчининг мақсадли нутқий ифодаси тингловчи томонидан тўлалигича қабул қилиниши, улар ўртасидаги нутқий муносабат самарали кечишини таъминлайди. Сўзловчининг мақсади тингловчида кулги ўйғотиш бўлиб, у сўзларнинг ўрнини алмаштириш, мулоқот жараёнига мос келадиган ва шунингдек ноодатий лексик бирликлар бўлган эвфимизмлар, архаизмлар, диалектализмлар, неологизмлар, шунингдек, баъзан сўзларнинг тушириб қолдирилиши ёки кўчма маънода қўллаши орқали бунга эришади.

Латифалар комик мазмун яратилишининг усуллари нуқтаи назаридан референциал ва лингвистик турларга ажратилади. Агар қандайдир вазиятнинг бемаънилиги, унинг кенгайиши тасаввуримизга мос келмаслиги акс топса бундай латифа референциал деб аталади. Модомики, латифада у ёки бу лисоний ҳодиса марказда турса бундай латифалар лингвистик ҳисобланади.

Латифанинг ёзма шаклига қуйидаги хусусиятлар хос:

- а) мураккаб грамматик қурилмалар йўқлиги;
- б) сўзлашув лексикаси мавжудлиги;
- в) матн боғлиқлиги (равонлиги)ни таъминловчи киритма сўзлар мавжудлиги;
- г) феълларнинг замон ва турга оид шаклларида маъқулларининг танлови;
- д) латифа яқинида эмоционал–психологик жиҳатларнинг қутилмаганда

ўзгариши, шундан сўнг латифанинг бошланма қисми мутлоқо бошқача қайта тушунилиши.

Латифалар замон ва жамият билан ҳамнафас яшайди. Жамиятдаги ўзгаришлар янги латифаларни юзага келишига сабаб бўлади. Бундан бир неча йил олдинги латифа ҳозирги кунда кулгили бўлиб туйилмаслиги мумкин, балки уни бугуннинг тингловчиси тушунмаслик эҳтимоли кучлироқдир. Шунинг учун ҳам, латифалар жамият билан бирга нафас олади, жамиятдаги воқеа-ҳодисалар, жараёнларни ўзида акс эттиради.

Қуйидаги латифага эътибор қаратамиз:

–Ҳа, абитуриент укам. Қалай бўлди тест? Интуиция нима дейди?

–Интуицияни кўрмадиму, лекин милиция роса кўп эди.

Келтирилган латифа ўзбек ижтимоий ҳаётидаги ҳодисани ифодалаши замонавий ўқувчига (тингловчи) таниш жараён бўлганлиги сабаб унда кулги ўйғотиши табиий ҳол. Латифадаги сўз ўйини, фонетик мутаносиблик (интуиция, милиция) ўзига хос маъно шаклланишини ҳосил қилган.

Хулоса. Кичик жанрга оид матн шакллари орасидаги боғлиқлик у ёки бу шаклда стилистик, когнитив, лингвомаданий белгиларни акс эттиради. Латифа жанридаги матнларда комик мазмуннинг шаклланиши лисоний бирликлар имкониятларидан оқилона фойдаланиш ва уларнинг нутқий фаоллашуви жараёнида юзага келадиган тизимли муносабатларнинг бузилиши амалиётига асосланган ҳолда кечади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдурахмонов Ш. Ўзбек адабий нуткида кулгу кўзғатувчи воситалар. Филол.фан номз. ...дисс. автореф. Т., 1997; Келарева Д.Б. Лингвистические принципы выражения комического в анекдотах. Автореф.дисс. ...канд.филол.наук. –М.,2013. –С. 21.
2. Чиркова О.А. Поэтика современного – народного анекдота. Автореф.дисс. ...канд.филол.наук. –М.,1997. –С. 20.
3. Юсупова Ҳ.У. Ўзбек халқ оғзаки насри намуналарининг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланиши (эртақлар, латифалар мисолида). Филол.фан.номз. ...дисс.автореф. –Т., 2011. –Б. 25.
4. Йўлдошев У. Ҳажвий матнлар таржимасининг лингвостилистик ва лингвокультурологик хусусиятлари (инглиз тилига таржима қилинган ўзбек халқ латифалари мисолида). Филол.фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.автореф. – Т., 2017. –42 б.
5. Mamatnazarovna, B. N., & Narbaevna, S. D. (2024). Slang in English Culture and Language. International Journal of Scientific Trends, 3(12), 396-400.
6. Sapaeva, D. (2005). Linguistic peculiarities of medical terminology. школа, 12-17.
7. Рузметов, Х. К., & Сапаева, Д. Н. (2016). Жорж Дюруа: феномен " Милого друга". Молодой ученый, (17), 555-557.